

Бу фоний дунёнинг ҳақиқати ва моҳияти (Иккинчи мақола)



12:44 / 09.08.2018 4674

Агар банда мазаммат қилинаётган бу дунёнинг ўзи нималигини, унинг қайси нарсасидан четда бўлиши керагу, қайси нарсасидан четламаса ҳам бўлаверишини билмагунича уни ёмонлашнинг маърифати фойда бермайди.

Аслида дунё ва охират икки ҳолатдан иборат. Улардан яқин турадигани дунё деб аталади ва ўлимдан аввал бўлади. Улардан охирда турадигани охират деб аталади ва ўлимдан кейин келади.

Сенинг ўлимдан аввал ундаги насибанг, ғаразинг, шаҳватинг, лаззатинг бор ҳолат дунёдир. Ҳар бир майл, насиба ва ҳисса бор нарса ёмон бўлавермайди. Балки бундай нарсалар уч қисмга тақсимланади.

Биринчи қисм

Банда билан бирга охиратга ҳам борадиган, ўлимдан кейин ҳам самараси у билан бирга қоладиган нарсалардан иборат.

Улар илм ва амалдир.

Илм деганда Аллоҳ таолони, Унинг сифатлари, фаришталари, китоблари, расуллари, еру осмонидаги мулклари ва набийсининг шариати ҳақидаги илм англонади.

Амал деганда эса, Аллоҳ таолонинг розилиги учун ихлос билан қилинадиган ибодат англонади.

Гоҳида олим учун илм бу дунёдаги энг лаззатли нарсага айланади. У илм лаззати деб таом, уйқу, ҳатто никоҳдан воз кечиши мумкин. Чунки илм унинг учун мазкур нарсалардан кўра лаззатли. Ҳа, илм унинг учун бу дунёнинг энг лаззатли насибасига айланган. Аммо биз дунёни ёмонламоқчи бўлсак, мазкур ҳолатни охирадан, деб айтаемиз.

Баъзи обидлар ибодат лаззатига шунчалари бериладик, агар унга бу нарса ман қилинса, унинг учун бу энг қаттиқ азобга айланади. Унинг учун ибодат бу дунёдаги энг лаззатли нарсадир. Аммо бу фоний дунёга қўшилмаслиги аниқ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен учун бу дунёингиздан уч нарса маҳбуб қилинди: аёллар, хушбўй нарсалар ва намоз кўзимнинг қорачиғи қилинди», дедилар». Насай ва Ҳоким ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда намоз бу дунёнинг лаззатларидан ҳисобланмоқда. Шунга ўхшаш бир қанча нарсалар бор. Улар бу дунёга тегишли. Уларни кўзимиз билан кўриб тураемиз.

Иккинчи қисм

Банда билан бирга охирага бормайдиган, ўлимдан кейин самараси у билан бирга қолмайдиган нарсалардан иборат.

Уларга маъсиятлар, эҳтиёждан зиёда мубоҳ нарсалар, керагидан ортиқ жамланган молу дунё, беҳуда ҳою ҳавас ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар киради.

Учинчи қисм

Юқорида зикр қилинган икки қисмнинг ўртасидаги нарсалардир. Бу дунёнинг охира амаллари учун ёрдам берадиган нарсалар ушбу учинчи қисмни ташкил этади.

Мисол учун керакли озиқ-овқат ва кийим-кечак. Соғ-саломат яшаб юриш, илм ва амалга эришиш учун зарур бўлган нарсалар ҳам шунга доҳил. Булар биринчи қисмдаги нарсаларга ўхшаб дунё нарсалари эмас. Аммо ўша биринчи қисмга ёрдам берувчи воситалар саналади. Банда илм ва амалга етишиши учун уларни ҳар қанча тановул қилган эса-да, бу дунё учун бўлмайди.

Агар ўша нарсаларни илм ва амал учун эмас, балки оний лаззат учун тановул қилган бўлса, бу дунё учун бўлади.

Islom.uz портали таҳририятдан